





**Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, уни кенг авж олдириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда фермер хўжалиқлари ташкил қилиниб, бугунги кунда ўзининг бекиб самарасини бериб келаётир.**

Қизирик туманидаги «Рабатак» фермер хўжалигини нафақат туманда, балки бутун воҳода ҳам яхши билишади. 1995 йилда ташкил топган мазкур фермер хўжалигида айни вақтда 270 нафар ишчи-ходим фаолият кўрсатади. Ишнинг ўзини билгунча кўзини бил, деганларидек ерга эгалик қилиш хисси янгилик илосмандларига куч-қувват бағишлади. Хамқору хамжихат мўл ҳосил етиштириш чоралари қидирилди. Натижа ёмон бўлмади. Бир неча йилдан буён шартнома режалари ортиги билан бажарилмоқда. Фермер хўжалиги райиси А.Дўстмуродов ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда жамоа аъзоларига сўяниб иш кўрмоқда. Ер таркибини минерал ва маҳаллий ўғитларга бойитиб, мўлжалдагига қараганда мўл ҳосил олмақда. Жамоа аҳлилик даромадга ҳам ўз таъсирини ўтказ-


он сўмга «Т-4», «Алтай» тракторлари ҳамда 10 миллион 400 минг сўмга «Нексия» хизмат машинаси сотиб олинди. Боз устига, 15 тонна сифатли ёғ иш ҳақи ва моддий ёрдам сифатида ишчиларга тарқатилди. Энг савобли ишлардан бири фермер хўжалиги ўз ҳудудида жойлашган 21-мактабни таъ-

ларини қидирмоқда. Шу кунгача 10 нафарга яқин ишчилар фарзандлари ёзи оромгоҳларда дам олдирилди. Утган йили туман болалар спортини ривожлантириш жағмагарасига 150 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилган бўлса, бу йил янада ошириш чоралари назарда тутилган. Айни вақтда фермер хўжалиги аъзолари 228 гектар майдонга экилган пахтани агротехника қондалари асосида парвариш қилиш билан банд. Бу ерда боғдорчилик соҳаси ҳам алоҳида йўлга қўйилган.

## БОБОЛАРДАН ҚОЛГАН ДАЛАЛАР

сўм даромад олинди. Фермер хўжалигини иқтисодий ривожлантириш учун 2001 йилда 2 та МТЗ-80 трактори лизинг асосида олинган. 2002 йилнинг даромади ҳисобидан 17 миллион сўмга «Алтай» трактори ва 2003 йилда эса 6 миллион сўмга КАМАЗ автомашинаси сотиб олинди, лизинг қарзи тўлиқ узилган. Утган йили ялпи даромад 253 миллион сўмга етиб, 153 миллион сўм соф фойда қўлга киритилди. Пешона тери эвазига олинган даромад ҳисобидан 24 милли-

мирлаш учун ўз имкониятидан келиб чиқиб 1 миллион 800 минг сўмлик маблағ сарфлади. Бундан ташқари, бу ерда фаолият кўрсатаётган 6 нафар пудратчи Тошкентдаги «Чинобод», «Ботаника» ва бошқа энг нуфузли сиҳатгоҳларда дам олдирилди. Аиникиса, жорий йилда галла ўримида кўрсатилган жонбозликни алоҳида эътироф этиш лозим. Хўжалик раисидан бошлаб оддий ишчиларгача самарали меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Дала шароитида мавсумий ишловчилар иссиқ овқат билан таъмин-



**А. РАҲМОНОВ,**  
«Ишонч» муҳбири

### Футбол АНГЛИЯЛИК МУТАХАССИС БОБ ХОУГТОН ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИНИ БОШҚАРАДИ

Осиё футбол Конфедерацияси хабарига кўра 58 йшли инглиз мутахассиси Боб Хоугтон яқин кунларда Ўзбекистон миллий терма жамоасини бошқаради. Боб Хоугтон ўз фаолияти давомида Швецияда «Мальме», «Гётеборг» жамоалари билан ишлаган. Канадада, Саудия Арабистонида «Ал-Иттиҳод» жамоаларига бош мураббийлик қилган. Хитойда терма жамоа ва клублар билан ишлаган. 1979 йилда Боб Хоугтон «Мальме» жамоасини Европа чемпионлиги финалига олиб чиққан.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси 17 августда 2006 йилги жаҳон чемпионати-нинг саралаш босқичида Қувейт терма жамоаси билан ҳал қилувчи ўйинни ўтказди. Ўзбекистон миллий терма жамоасига шу кунгача Раъшан Хайдаров бошчилик қилмоқда эди. Унинг ўрнига қўйиладиган бош мураббий сифатида Анатолий Бишовец (Россиянинг собиқ бош мураббийи) ҳам даъвогарлик қилаётган эди. Энди Раъшан Хайдаров ўрнига Боб Хоугтон Ўзбекистон миллий терма жамоасини бошқариши маълум бўлди.

### РОНАЛДО МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

«Реал Мадрид» ва Бразилия терма жамоаси ҳужумчиси Роналдо Германияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатидан сўнг терма жамоа таркибига фаолият кўрсатмаслигини маълум қилди: «Бу чемпионат мен учун тўртинчи жаҳон биринчилигидир. Мен икки карра жаҳон чемпиони бўлишга муваффақ бўлдим. Энди ёшларга имконият бериш вақти келди. Шунингдек, футболдаги фаолиятимни ҳам тўхтатиш ниятдаман. Менинг «Реал» билан тузган шартномам тўрт йилдан сўнг тугайди. Ўз фаолиятимни «Реал» таркибига тугатиш ниятим бор». Бразилия терма жамоаси бош мураббийи Карлос Алберто Паррейра Роналдонинг фикрини маъқулади. «У тўри йўл тутмоқда. Агарда ҳозир у футболни тарқатадиган бўлса, энг яхши спорт формасига эга пайтида футболни тарқатиш нотўғри бўлар эди».

### КЕЧИНОВ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА

Москванинг «Спартак», «Сатурн» ва Ярославнинг «Шинник» жамоасида фаолият кўрсатган собиқ пахтакор Валерий Кечинов профессионал футболчи сифатида ўз фаолиятини тўхтатиш арафасида. У «Советский спорт» газетасига берган интервьюсида, биронта ҳам клуб мени ўз жамоасига олиш мақсади билан мурожаат қилмади. Агар премьер лига клубларидан таклиф тушмаса, мен ўз фаолиятимни тўхтаман, деган. Шунингдек, футболчи биринчи ва иккинчи дивизион клублари ва Россиядан ташқарида ўйнаш истаги йўқлигини ҳам билдирган.

### ВЕЛОПОЙГА АНДРЕАС КЛОДЕН «ТУР ДЕ ФРАНС - 2005» МУСОБАҚАСИНИНГ 17 БОСКИЧИДА БАҲСНИ ТЎХТАТДИ

Немис велопойгачиси Андреас Клоден ўтган йилги «Тур де Франс» мусобақасининг якунида чемпиони Ленс Армстронгдан сўнг иккинчи ўринни эгаллаган эди. Бу йилги мусобақада, 17-босқичда стартга чиққан бўлсада манзилгача етиб бора олмади. У нунг



**Спорт оламида**

қўлида қаттиқ оғриқ сезган ва мусобақани тўхтатишга мажбур бўлган.

Кўп кунли «Тур де Франс» велопойгачида ҳамон Ленс Армстронг пешқадамлик қилмоқда. У олти бор бу мусобақада галабани қўлга киритган. Унинг нияти бу йил ҳам чемпионликни қўлга киритиб, кетмакет етти бор галаба қозонишидир.

### РЕКОРД КЎРСАТКИЧ

Чехия велосипедчиси Ондрей Сосенко Москва шаҳридаги Крилатский трекда бир соатда 50 километр масофани босиб ўтди. Бу рақам 2000 йилда британиялик велопойгачи Крис Бордман томонидан ўрнатилган эди. Мен Москвада рекорд ўрнатиш учун яхши имкониятларга эга эдим, деди велосипедчи Сосенко. Крилатский трек Европада энг узун треклардан биридир. Мен бундай шароитда галаба қозонишни шарт эди, деган Сосенко.

**Т. ЮСЎПОВ** тайёрлади.



Куйи Чирчиқ тумани пахтакорлари жорий йилда 13 минг 800 гектар ерда деҳқончилик қилиб, мўл ҳосил етиштиришмоқда. Айни пайтда мавжуд пахта майдонларининг 8 минг гектаридаги ҳосилни машиналарда териш режалаштирилган. Бунинг учун туман машина-трактор паркидаги 32 та терим машиналари ҳар қачонгиданда барвақт мавсумга тайёрланмоқда. Тумандаги 12 та ширкат, 192 та фермер хўжалиги билан шартнома тузган жамоа раҳбарияти меҳнаткашлар манфаатдорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. 142 нафар киши меҳнат қилаётган жамоада уларнинг унумли ишлари учун барна зарур шарт-шароитлар яратиб берилган.

**Суратларда:** механик Абдурахмон Рихсибоев оператор Санжар Мингбоев билан; моҳир чилангар Алишер Норбоев; пахта териш машиналари.



### Ўзги соғломлаштириш - юксак масъулият

**Болалар — келажагимиз. Уларнинг жисмонан соғлом, бақувват, маънави баркамол бўлиб вояга етишлари учун барчамиз маъсум. Ушбу масъулиятни вазифани муваффақият билан адо этиш мақсадида Бўка туманида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

Бу йил туманда болаларни соғломлаштиришга ҳар йилгидан ҳам катта аҳамият қаратилиб, шаҳардан ташқари оромгоҳда сифатли таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бундан ташқари, ёз мавсумида болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари таъминлаш учун мактабларда қошида иккита оромгоҳ фаолияти йўлга қўйилди. Уларга жами бўлиб 540

ҳозирги кунда мактабдан ташқари таълим муассасаларида турли тўғарақлар, спорт секциялари ишлаб турибди. Машгулотларда озиб ёшлар қатнашапти.

нинг учун пухта тайёргарлик ишларини олиб бордик. Шунинг учун ҳам айни кунларда бу ўта муҳим вазифани кўнгилдагидек адо этаямиз. Дарҳақиқат, туман халқ

Кутубоналар, «Маънавият ва маърифат» хоналари бадий адабиётлар, қўламанлар билан бойитилди. Спорт-соғломлаштириш майдончаларига эса турли спорт анжуманлари келтирилди. Тўғарақ ва секциялар раҳбарлари, оромгоҳ етакчилари иштирокда ўқув-семинарлари ўтказилганлиги ҳам бемасарам кетмади. Шу боис, ҳозирги кунда бўқалик озиб ўқувчи ёшлар мириқиб ҳордиқ чиқариб, ёзги таътиллари мазмунли ўтказишмоқда.

**К. ОЛЛОЁРОВ,**  
«Ишонч» муҳбири

## ТААССУРОТЛАР БИР ЖАҲОН

нафар ўғил-қиз жалб этилган. Шаҳардан ташқаридаги оромгоҳда эса уч навбатда 260 нафар бола соғломлаштирилмоқда. Бундан ташқари, 15-Меҳрибонлик уйида ҳам болалар оромгоҳи ташқар қошида иккита оромгоҳ фаолияти йўлга қўйилди. Уларга жами бўлиб 540

— Ўқув йили якунида ўрта умумтаълим мактабларида таълим олаётган 1-7 синф ўқувчиларининг 80 фоиздан ортинини соғломлаштириш, тўғарақлар ва спорт секцияларига жалб қилиш режалаштирилган эди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Ш.Рўзमतов. — Бу-

таълими бўлими тасарруфигади оромгоҳлар ва спорт-соғломлаштириш масканларида кенг қўламли ишлар бажарилди. Мактаб қошидаги оромгоҳлар туман ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотлар кўмагида таъмирланиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди.

## ЭНГ СЎЛИМ ТЎША

ошхонада турли хил тансиқ таомлар тайёрланмоқда.

— Дам олиш масканида болалар ҳеч ҳам зерикиб қолишмайди, — дейди бош етакчи Васила Мухаммадиева. Чунки уларни мириқиб, тўлақонли дам олиши учун алоҳида дастур тузганмиз. Унга кўра, болалар сўлим табиат қўйнида дам олиш шидан ташқари турли спорт мусобақалари ва адабий-бадий тадбирларда ҳам иштирок этадилар. «Кўшигим-жон кўшигим», «Непту-

сув шоҳи», «Кувноқ стартлар», «Энг саришта гуруҳ ётоғи», «Эртақлар яхшилик етаклар», «Хазинани топ», «Еш рассомлар» каби қизиқарли кўрик-танловлар, спорт беллашувлари мунтазам ўтказиб келинапти. Туман киновидео хизмати томонидан кунора турли қизиқарли бадий фильм ва мультфильмлар намойиш этилаётир. Дам олувчилар шинам ётоқхона билан таъминланган. Бу ётоқхона жорий йилда тўла таъмирдан чиқарилиб, жиҳозланди. 2,7

гектар майдондан иборат дам олиш масканида қўлаб мевали ва манзарали дарахтлар, анвойи гуллар экилган бўлиб, ажойиб манзарани қасб этган. Тиббиёт хонасида 50 турдаги дори-дармонлар мавжуд бўлиб, тез ёрдам машинаси бириктирилган. Гулмира Мусаева, Дилором Бойжигитова каби етакчи тарбиячилар ҳамкорлигида болалар табиат қўйнига, муборак қадамжоларга саёхатга ҳам бориб туришади. Яқинда улар Хартан қишлоғида жойлашган Имом ал-Бухорий зиёратгоҳида бўлиб қайтишди.

**О. ЭРГАШЕВ,**  
«Ишонч» муҳбири

### Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши бош мутахассиси

**Иўлдош Аҳмедов жавоб беради**

**САВОЛ:** Ўрта махсус касб-хунар таълими соҳасида 10-15 йил ўқитувчилик қилганлигиниз сабабли эндиликда иш фаолиятинизни коллежда давом эттиришимиз мумкинми?

билим бера олмаслиги ва хунар ўргата олмаслиги мумкин. Шу сабабли касб-хунар коллежларида дарс бериш ва хунар ўргатиш учун жойлардаги ўрта махсус касб-хунар бошқармаларининг рухсати олингандан кейингина ишлашигимиз мумкин бўлади.

**ЖАВОБ:** Олий маълумотга эга бўлмаган, касб-хунар коллежидида билим олган ўрта махсус маълумотли ўқитувчи талаба ёшларга талаб даражасидаги

Мамлакатимиздаги ўн тўртта коллеж Ўзбекистон ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Германиянинг техникавий ҳамкорлик ташкилоти ва Германия тиклашиш банки - КФВ билан ҳамкорликда амалга ошираётган «Ўзбекистон-Германия Ахборот ва коммуникация технологияси соҳасида касб-хунар таълимини ривожлантиришга кўмак» лойиҳасига киририлган.

### КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИ

Жиззах транспорт ва алоқа касб-хунар коллежи шулардан биридир. Лойиҳага мувофиқ мазкур коллежининг олти та кабинетини, иккита компьютер синфи, иккита устакхона ва битта ўқув лабораториясига замонавий русумдаги компьютер ва компьютер жиҳозлари, уларга хизмат кўрсатувчи сервис маркази ажратилди.

Ун йўналиш бўйича икки минг ўқувчи таълим олаётган ушбу коллежда энди замонавий ахборот ва коммуникация технологияси ютуқларидан самарали фойдаланиш имконияти пайдо бўлади. Янги ўқув йилидан бошлаб бу ерда бўлажак мутахассислар билим олиш билан бирга, ўз соҳалари бўйича амалий кўникмаларга ҳам эга бўлади.

## Касаба уюшма ҳаётидан СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ДАСТУРИ АМАЛДА



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури тўғрисида»ги Фармонида таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида қатор устувор йўналишлар белгилаб берилган. Туманимизда таълим тизимидидаги ислохотларни муваффақиятли бажарилишини таъминлаш орқали келажагимиз пойдевори бўлган баркамол авлодни ҳар томонлама етук қилиб вояга етказиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

«Сиҳат-саломатлик йили» дастури доирасида ҳам қатор ибодий ишлар амалга оширилди. Барча таълим муассасаларида тадбир дастурлари ишлаб чиқилган. Ўқувчи ва ўқитувчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи урчушулар, саломатлик бурчақлари ташкил этилмоқда.

Яқинда яна бир хайрли ташаббусга қўл урилди. «Оналари соғлом юртининг фарзандлари кучли бўлур» шiori остида мактабгача таълим муассасалари ўртасида мусобақа бўлиб ўтди. Унда 17-боғча мудири Дилором Иўлдошова фахри биринчи ўринни эгаллади ва кенгашимиз томонидан мукофотланди. Бундан ташқари, ҳафтанинги чоршанба кунлари «Саломатлик кунини» деб эълон қилинган. Шу кунни ходимлар спортнинг волейбол, стол теннисини, шохмат-шашка турлари билан шугулланиб, соғлиқларини тиклайдилар.

**Д. АХМЕДОВА,**  
Олтинқўл туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси

**ИНФОРМАЦИЯ**  
о существенных фактах (событиях, действиях), затрагивающих финансово-хозяйственную деятельность эмитента ОАО «TURON SANATORIYASI»

Порядковый номер сообщения - 08  
Наступление сроков исполнения обязательств эмитента перед владельцами ценных бумаг.

- указание обязательства эмитента перед владельцами ценных бумаг выплаты дивидендов за 2004 год.

- указание срока исполнения обязательства эмитента перед владельцами ценных бумаг - с 20 июля по 28 июля 2005 года.

**БИЛДИРИШ**  
ХТ «Гавсутдинов Шамситдин» томонидан Наманган шаҳри Ахси кўчаси 60-уйда жойлашган «Агрорасанотқурилиш» очик акциядорлик жамиятининг 13981 дона, яъни 25,0 фоиз оддий эгаси эзилган нақдсиз акцияларини сотиб олиш истаги борлигини маълум қилади.

Маъмурият

**ОАО «O'ZJHOZBUTLASH»**  
сообщает:

Информация о существенном факте. (Порядковый номер сообщения - 07) Наступление даты закрытия реестра.

Решение о дате закрытия реестра акционеров принято на заседании наблюдательного Совета общества, проведенного 20 июля 2005 года.

Дата, на которую составляется список владельцев ценных бумаг - 22.07.2005 года.

Информация о созыве внеочередного общего собрания акционеров.

22.08.2005 года в 15.00 состоится внеочередное общее собрание акционеров ОАО «O'ZJHOZBUTLASH» по адресу: Ташкентская область, Кибрайский район, н. Дурмиев, ул. Соатова, 1.

Список акционеров, имеющих право на участие в годовом общем собрании акционеров, составлен по данным реестра акционеров закрытым по состоянию на 22.07.2005 год.

**ПОВЕСТКА ДНЯ:**

- Выборы нового состава наблюдательного совета.
- Выборы нового состава Ревизионной комиссии.
- Утверждение Устава общества в новой редакции и внутренних нормативных документов Положения: «Об общем собрании акционеров», «О Наблюдательном совете», «О Ревизионной комиссии», «О Директоре».
- Утверждение единоличного Исполнительного органа.

Регистрация участников собрания проводится с 14.00 по выше указанному адресу. При себе иметь паспорт или удостоверение личности, а представителям акционеров нотариально заверенные доверенности.

Знакомиться с материалами, подготовленными к проведению собрания можно с 01.08.2005 по месту нахождения общества.

Справки по телефонам: 64-20-46.

**Дийримизда азал-азалдан халқ сайиллари, турли хил байрам, тўй-ҳашам ва шу каби тадбирлар ашула, лапар, ракс ҳамда ўйин-кунгиларсиз ўтмаган. Ҳар бир замоннинг ўз анъанаси, турмуш тарзи маҳз этилган халқ кўшиқлари кишиларга завқ-шавқ ва зўраданчилик бағишлаб келган.**


Ана шундай тарихий қадрларимиз руҳи билан суғорилган оҳанглар умрбой қийлигини таъминлашга ҳисса қўшаётган «Гаштак» фольклор дастаси фаолияти эътиборга лойиқ. Йигит жўралар, ошна ва оғаниларнинг вақти-вақти билан бирор жонлиқ сўйиб, базм ўтказиши, хангома, аския ва ўйинлар уюштириши баҳонасида кичик жамоа вужудга келди. Дастлаб унда «Гаштак», «Туримда кўрдим», «Хай, айланай», «Олингизлар, қизлар» каби кўплаб қишлоқ ҳаёти ва турмуш тарзини ифодаловчи ашула ва лапарлар ижро этилди. Кейинчалик Фалларол туман маданият ва спорт ишлари бўлими тасарруфидида «Гаштак» фольклор этнографик халқ дастаси ташкил этилиб, унинг сафи тиниб-тинчимас, истеъдодли ва изланувчан йигит-қизлар ҳисобига ортиб борди. Жумладан, Умида Курбонова, Зебо Турбова, Зебо Сангирова, Зафар Боймирзаев, Ҳасан Хамроев каби турли касб эгалари ишдан бўш пайтларида халқ-коре, гишт терувчи, муаллим ва маданият ходимлари бор. Жамоа аъзолари секин-секин бобо-момларимиз севиб куйлаган қўшиқ ва халқ ўйинларини ҳам ўрганишиб, репертуарларини бойитдилар. Халқ ўртасида кенг тарқалган «Бойланди», «Хаппак» ўйинлари ижрочилардан зийраклик, зукколик ва чаққонлини талаб этса, «Беш кетди», «Пода лов-лов» каби ўйинлар эса рамзий маънога эга. Бунда йигит-қизларнинг дастурхон атрофида одоб сақлаб, ҳозиржавоблик билан ўйинга янада фаол иштирок этиши талаб этилади. «Кулоқчўзма»да уддабу-ронлик, тезкорлик ва чаққонлик, «Човган» ўйинида ча-

вандозлик маҳорати асосий ўрин тутди. Тиниб-тинчимас ва ташкилотчи маданият ходими Азамат Тугалов етакчилигидаги жамоа аъзолари 2002 йилдан буён вилоят ва республика миқёсида бўлиб ўтаётган кўрик-танловларда фаол қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Даста «Бойсун баҳори» фестивалида лауреатлик даражасига эришди. Биргина ўтган йили вилоят кўрик-танловида «Тўш», «Гаштак», «Тўқиз тавок» каби дастурлари билан иштирок этиб, биринчи ўринни қўлга киритди. Шу йил Тошкент шаҳрида бўлган Наврўз тантаналарида миллий урф-одатларимизни тарғиб қилгани учун фахрли ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Хали «Гаштак» жамоаси аъзолари олдида қилинмажак юмушлар бисёр. Бу жиҳатдан жойларда фаолият кўрсатиб келаётган дасталар билан ҳамкорлик қилиб, ўз репертуарини бойитишга қатъиям қаратмоқда. Жамоа вақти-вақти билан ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжаликлари ва болалар дам олиш оромгоҳларида бўлиб, томошабинлар кўнглига шодлик улашмоқда.

Андозлик маҳорати асосий ўрин тутди. Тиниб-тинчимас ва ташкилотчи маданият ходими Азамат Тугалов етакчилигидаги жамоа аъзолари 2002 йилдан буён вилоят ва республика миқёсида бўлиб ўтаётган кўрик-танловларда фаол қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Даста «Бойсун баҳори» фестивалида лауреатлик даражасига эришди. Биргина ўтган йили вилоят кўрик-танловида «Тўш», «Гаштак», «Тўқиз тавок» каби дастурлари билан иштирок этиб, биринчи ўринни қўлга киритди. Шу йил Тошкент шаҳрида бўлган Наврўз тантаналарида миллий урф-одатларимизни тарғиб қилгани учун фахрли ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Хали «Гаштак» жамоаси аъзолари олдида қилинмажак юмушлар бисёр. Бу жиҳатдан жойларда фаолият кўрсатиб келаётган дасталар билан ҳамкорлик қилиб, ўз репертуарини бойитишга қатъиям қаратмоқда. Жамоа вақти-вақти билан ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжаликлари ва болалар дам олиш оромгоҳларида бўлиб, томошабинлар кўнглига шодлик улашмоқда.



**Самарқанд - халқимиз, миллатимиз доврүгини бутун дунёга таратган, кўп минг йиллик тарихга эга илҳий масканимиздир. Дунёнинг турли мамлакатларидан не-не одамлар Самарқандни бир бор кўришни, унинг муқаддас тупроғини таваф этиб, азиз-авлиёларнинг ҳокки покларини зиёрат қилишни ўзлари учун улўғ шараф деб билганлар.**

темурийларнинг бу табарруқ жойга илҳослари банд бўлган. Улар бу фоний дунёдан ўтганларида Қусам ибн Аббос макбараси атрофида дафн этилишни ўзларига шараф деб билганлар.

Темурийлардан сўнг бу ерда деярли курилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмади. Айнакка, юртимизнинг чор Россияси томонидан босиб олиниши ва узоқ вақт со-

жилосини топапти. Йўллар кенгайтирилиб, атрофи ободонлаштирилмоқда. Энди Шоҳи Зинда шаҳар четидagi кўринмас, қисилиб қолган тарихий обиди эмас. Бугун шаҳарнинг юраги саналмиш Регистонни томоша қилиб, Бибихоним номи билан аталмиш масжидда бўлган киши шу ердан яққол кўриниб турган Шоҳи Зиндани зиёрат қилмай ке-

# «Гаштак» - ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТАРҒИБОТЧИСИ



# УЛУҒ ТАРИХИМИЗНИНГ ЁРҚИН КЎЗГУСИ

**Шоҳи Зинда ансамбли мамлакатимиз ҳукуматининг эътибори ва сая-ҳаракати билан янада сайқалланиб, ўзгача чирой ва жозиба касб этмоқда**

Президентимизнинг бу сўзлари айни ҳақиқат эканини Самарқандга келиб, Имом ал-Бухорий, Абу Мансур Мотурийди, Хожа Ахрорий Валий зиёратгоҳлари, Гури Амир макбараси, Бибихоним масжиди, Улўғбек расадхонаси, Регистон макбуни қўрган ҳар бир инсон теран айланди. Ер юзининг сайқали ҳисобланмиш бу муаззам шаҳарнинг ҳар бир бўшаши табарруқ, ҳар қарчғи учир муқаддас. Унинг қайси маҳалла, гузарига кирманг, қўнға мазийдан сўзлагувчи тарихий ёдгорликларга, зиёратгоҳларга дуч келасиз. Шоҳи Зинда ансамбли ҳам ана шундай муқаддас қадам-жазлардан биридир.

Шоҳи Зинда мажмуаси деярли тўққиз аср (XI-XIX асрлар) давомида шаклланган ва бугунги кунда йиғирмадан зиёд бинодан иборат. Бу ердаги энг қадимий иморат қолдиги Афросиёб кўрғони девори, Султон Санжа курдирган минора ҳамда Қорохонийлар (XI аср) давридан қолган макбарани деворларидир, Ас-Соомийнинг «Китоб ул Ансоби» асарига бу даврга оид Қусамия мадрасаси тилга олинган, Абу Тоҳирхўжа «Самария» асарига ушбу мадрасани Банни Ножия қабристонини (ҳозирги Шоҳи Зинда қабристонини) тавдудиде жойлашганини тахидилдаса, Ан-Насафий «Кандияи Хурд» асарига бу мадрасани Хурд жойлашганини ёзда, Масжид билан мадраса бир-бирига туташ, лекин алоҳида алоҳида обида бўлган. Муаллифлар бу мадрасани салжүқийлар сулоласи ҳукмдор султони Санжа Мурозий (1118-1157 йиллар) курдирганини ёзишган.

Сохиқирон Амир Темур даврида қадимий зиёратгоҳ атрофида гўзал мажмуа барпо этилади. Мўғуллар босқинида вайронга айланган макбара қайтадан зеб берилиб, тикланади. Ёғочдан ясалган қабр энг қимматбаҳо асл нақшинок тошлар билан ўзгартарилади. Амир Темурнинг оила аъзолари ва сарой аъзолари Эрон, Хиндистон, Шомдан келган усталар ҳамда маҳаллий мейморлар билан ҳамкорликда ўзлари учун тақорланмас обида - макбара курдирдилар. Сохиқирондан сўнг унинг эгу ишларини набираас Улўғбек Мирзо давом эттирди. Чунки, Темур ва

биқ иттифоқ таркибиде бўлиши муқаддас заминимиздаги кўплаб табарруқ қадамжолар қатори Шоҳи Зинданиннг ҳам эътибордан четда қолишига сабаб бўлди. Аммо халқнинг бу масканга бўлган илҳоси, эътиқоди сўнмади. Одамлар яширинча бўлса-да Шоҳи Зиндага келиб, уни зиёрат этишди, дилларини поклашди.

Ҳақиқат истиқлол йилларидагина улўғ аждоларимиз мангу кўним топдан масканлар обод қилина бошланди. Имом ал-Бухорий, Абу Мансур Мотурийди, Баҳовуддин Наҳшавунинг қабри қабристонидан кўчириб келинган, Чарчок билмай, дилмиз покланиб, ишлайверамиз. Шукур, ўғилларимнинг уч нафари ёнимга кирган. Улар билан биргаликда ишлаймиз. Қўлимиздан келар экан, шу муқаддас юртинг ҳар қанча обод қилсак арзийди.

Республика Вазирилар Маҳкамаси 2004 йил 16 июлда «Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди ҳамда бу масканда қурилиш ва реконструкция ишларини олиб бориш учун Шоҳи Зинда жамоатчилик фонди ташкил этилди. Шундан сўнг мажбур табарруқ қадимкидан кенг қўламадаги бунёдкорлик ишлари бошланди, юзлаб нақшош, қошинок ва ёғочсоз усталар мажмуа буюларини асл ҳолига келтириш учун энг шимариб ишга киришди.

Ўтган вақт давомида фонд, қарорда қўрсатилганидек, мажмуада қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини олиб бормоқда, - дейди Шоҳи Зинда жамоатчилик фонди раиси Сайфи Салоҳиддини. - Пудратчиларимиз - Маданият ва спорт ишлари вазирилик қоидаги тарихий ёдгорликларни сақлаш, таъмирлаш ва қайта ишлаш илҳий таддиқкош бош босқармаси мажмуадаги биноларни таъмирлаш ишларини олиб бораётган бўлса, вилоятимиздаги 2-меҳанма-зилариндан кўнға мажмуага жамоаси унинг атрофини ободонлаштириш ишларига илҳос қўш бўлмоқда. Шу жиҳатда улар белгиланган кўнғани деярли бажариб бўлишди.

Кенг қўламли курилиш-ободонлаштириш ишлари олиб борилаётгани боис, бугун Шоҳи Зинда хифёсати буткул ўзгарди. Мажмуадаги макбара ва бошқа бинолар тўлиқ қайта таъмирланиб, қадимий

(ЎЗА)

## 2005 йил - Сихат-саломатлик йили

**Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоқ қилиш, тиббий хизмат маданиятини юксалтириш борасида хайрли ишлар амалга ошириляпти. Айникса, «Сихат-саломатлик йили» дастури асосида соҳада бир мунча ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Чунки, Оққўрган туман марказий шифохонасида ҳам бу борада хайрли қадамлар қўйилмоқда. Хусусан, ўсиб келяётган авлодга соғломлаштириш, даволаш-профилактика ишларини яхшилаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган аниқ ишлар шулар жумласидандир.**

# КАСБИМИЗ ФИДОЙИЛИКНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

Шифохонамиз тумандаги 88 миң нафардан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Бу ерда 166 нафар шифокор ва 700 нафар ўрта тиббиёт ходимлари аҳоли саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда. Асосий мақсад касалликни даволашдан кўра унинг олдини олишга қаратилган. Бунинг учун 10 та КПВ, 3 та поликлиника ходимлари ҳам кишилар тиббий маданиятини оширишга, профилактика тадбирларининг кенг қўлланилишига аришишга жалб қилинган. Бунинг натижаси ўлароқ маҳалла кўмиталари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан аниқ ҳамкорликда ҳам таъминланган оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларнинг саломатлигини даволаш олиб турилибди. Шунингдек, хонадонлардаги ички тарбиявий муҳит билан таъминиб, жамоатчилик кўмагида бетартиб турмуш тарзи оқибатларидан келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олишга ҳаракат қилляпмиз. Ҳама мутахассислардан иборат гуруҳлар жойларда оила маданиятини ошириш, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, турғилажак болани ҳомила давридан бошлаб назоратга олиш, аёлларни пухта тиббий кўриқдан ўтказиш соҳасида иш олиб боришмоқда. Энг асосийси, шифокорларимиз ширин муоамалари, сифатли тиббий хизматлари билан беморлар ишончини қозонмоқдалар. Яна бир эътиборли томони шундаки, туманимиздаги тиббиёт ходимларининг касб маҳорати ва тажрибаларини оширишга ҳам бирламчи вазифа сифатида қаралмоқда. Шу боис шифокорлар барча даволаш турлари бўйича муайян даражада малакаларини оширишмоқда. Бу ўз навбатида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда ўзига ҳоқ қўлайликларни юзага келтиради.

Давр билан ҳамоҳанг қадам ташлаш янгидан-янги муваффақиятларни таъминлайди. Бунинг натижаси аниқлаш шифокорлар ўзлари учун кенг имкониятлар эшигини очмоқдалар. Хусусан, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини бундан-да яхшилаш мақсадида барча қўлайликларга эга бўлган 40 ўринли туғруқ бўлими тўлиқ қайта таъмирдан чиқарилди. Бунинг учун туман ҳокимлиги маҳаллий бюджет ҳисобидан 20 миллион сўм маблағ ажратди. Бундай эътибордан руҳланган шафқатли касб эгаларининг Сихат-саломатлик йилида сая-ҳаракатлари жўшқин, келгуси режалари эса бисёр ва ибратли бўлмоқда.

Зеро, соғлом фикрли, эркин дунёқарашга эга баркамол авлодни тарбиялаш нафақат тиббиёт ходимларининг вазифаси, балки бу эгу ишда барча бирдек масъул бўлмоғи лозим.

## ТУРСУНБОЙ ДУШАБОВЕВ, ШИФОКОР

## Тадбир

# КУЧЛИ ЖАМОАЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

Энг оммавий жамоат ташкилотларидан бири ҳисобланган касба уюшмалари зиммасига турли соҳа меҳнатқашлари ўртасида спорт оммавийлигини ошириш ва шу орқали уммининг соғломлаштириш, маҳоратли спортчиларни тарбиялаш вази-фаси ҳам юксалтирилган. Бу ўта муҳим ишни муваффақият билан амалга оширишда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган турли мусобақалар, спартакиада ва турнирлар катта аҳамиятга эга бўляпти.

Яқинда Шахрисабз туманидаги Беруний номли болалар оромгоҳи спорт майдонларида республика ёқилги-энергетика, қимё саноати ва геология ходимлари касба уюшма Марказий Кенгаши Қашқадарё вилоят вакилининг «Саломатлик» спартакиадаси ўтказилди. Унда вилоятдаги барча тармоқ қорхона ва ташкилотларнинг вакиллари иштирок этиди. Улар волейбол, стол тенниси, минифутбол, шохмоқ ва шашка баҳсларида ғолиблик учун кураш олиб боришди.

— Йилдан-йилга мусобақа иштироки-ларнинг маҳорати ортиб, кучли жамоалар сони кўпайиб бормоқда, — дейди тармоқ касба уюшма Марказий Кенгашининг вилоят вакили Сафар Ҳамроев. — Бу галги спартакиада беллашувлари ҳам ушбу фикримизни яна бир бор тасдиқдан ўтказди. Мусобақа дастуридан ўрин олган ҳар бир беллашув мурасасиз ўтди.

Дарҳақиқат, беллашувлар ҳаяжонли дақиқаларга ноҳията бой бўлди. Ҳар бир жамоа аъзоси ғолиб бўлиш учун астойдил кураш олиб борди. Шунинг учун ҳам ҳакамларга совриндорларни аниқлаш осон бўлмади. Айникса, волейбол, минифутбол, стол тенниси мусобақалари кўчлиликда катта қизиқиб уйғотди. Эраклар ўртасидаги волейбол ўйинларида Таллимаржон иссиқлик электр станцияси жамоаси аъзолари ҳар бир учрашувда ўзаро ушқоқлик, ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилишди. Натижада жамоа яхши ҳисобга кўра биринчи ўринни қўлга киритди. Кейинги ўринлар Муборақдаги нефтни қайта ишлаш заводи ҳамда неф-

газ унитар қорхонаси волейболчиларига насиб этди. Хотин-қиз волейболчилар иштирокидаги беллашувларда вилоят электр тармоқлари акциядорлик жамияти, «Шўртангазим» мажмуаси ва «Муборакнефтгаз» унитар қорхонаси жамоалари совринли ўринларни эгаллашди.

Кейинги пайтларда юртимизда минифутбол тобора оммалашиб борапти. Спартакиаданиннг мазкур спорт тури бўйича ўтказилган баҳслари ҳам бунинг исботи. «Шўртангазим» унитар шўбға қорхонаси футболчилар бор маҳоратларини намойиш этиб, шохуспага кўтарилдилар. Шунингдек, Муборак нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, нефтгаз унитар қорхонаси футболчилари ҳам кучли учиндан жой олишга муваффақ бўлишди.

Олим БОҚИЕВ, Қашқадарё вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси жисмоний тарбия ва спорт жамияти ходими

## СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИ

Бўхоро шаҳридаги «Ёшлик» маҳалласида яшовчи Ш.Қодиров оиласи спорт туғайли бутун вилоятга танилди. Оила бошлиги Шарифжон бир пайтлар оғир атлетика, турмуш ўртоғи Шохсанамжон эса волейбол ва чим устида хоккей билан шуғулланган. Уларнинг ўғли Шўхрат, қизи Шахло ҳам мунтазам равишда спорт секцияларига қатнаб туришди.

Ушбу оила аъзолари «Отам, онам ва мен» спортчилар оиласи мусобақаларининг вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритди. Юғуриш, акробатика, камондан отиш, эстафета, «Ким чакқон ва мерган», «Моҳир ҳужумчи», арқон тортиш, «Овчилар» ва «Кўёнлар» сингари қизиқарли баҳсларда энг юқори натижага эришган Ш.Қодиров оиласи мусобақаниннг мамлакат босқичига йўлланма олди.

## «70 ЗАРБОР КУН»

Халқ таълими тизимида ҳам қатор камчилик ва муаммолар мавжуд. Йўл қўйилаётган нуқсонларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги «70 зарбор кун» дастурини эълон қилди. Шу муносабат билан мамлакатимизда «очик эшиklar кўнғари» ўтказилмоқда. Мактаб таълими муаммо-

ларининг ечимини топишга қаратилган ушбу тадбирда жамоатчилик вакиллари, хўжалик раҳбарлари ҳам иштирок этиб, ҳал этилиши лозим бўлган вазибаларни биргаликда кўриб чиқишда фаоллик кўрсатмоқдалар.

Янги кўув йили олдида бошланган бу сая-ҳаракат таълим ўнқларининг моддий негизини янада мустаҳкамлашда ҳам муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Ш.МУҲАММАДИЕВА

## ТИНЧЛИК СУРАТИНИ ЧИЗАМАН

Хали тўққизинчи синфдалиқ чоғида чизган «Маҳаллада тўй» номли суратим Японияда бўлиб ўтган бола-лар расмлари фестивалида олти мингта асар ичида биринчи ўринни олган эди. Ушунда Президентимизнинг махсус савғаси, фахрий ёрлиғи ва табрик хатини олиб, қувончимни ичимга сиғдира олмагадим. Менга жуда кўплаб дўстларим, тенгдошларим хавас қилишган. Бу қалбимдаги санъатга бўлган иштиёқни янада оширди. Юртошимизнинг ишончини оқлаш ниётида тинмай расмлар

чиздим. Чизган суратларимда бахтиёр болалик, тинчлик, юртимнинг гўзал табият манзаралари акс этган.

Мен уруш ҳақида расм чизишни ёмон кўраман. Эҳтилом болалигимдан бира биров билан уришмаганимдигим сунга бабдир. Йўқ, асло кўрқоқлигимдан эмас, юрагимдан ўзгаларга яхшилик соғиниш ҳисси мени ундан қайтаради. Қалбим тўла меҳрини кишиларга улаш-ғун келаяверади. Бўш вақтим бўлди деғунча ижод билан машғул бўламан. Шунинг учун ҳам машқларим кўплаб танловларининг ғолиби бўлган.

Дилфуза МАТБОБОВА, Зулфия номдаги Давлат мукофоти совриндори

**ISHONCH**  
 Бош муҳаррир Мирғибс ҚАЮМОВ  
 Муассис: Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алмиҳўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.  
 E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:  
 Котибият 56-52-78;  
 Хатлар бўлими 56-85-43;  
 Газета 1991 йил 21 мартдан чика бошлаган  
 Босишга топшириш вақти - 21.00  
 Топширилди - 22.10

Мақсади: 700165, Тошкент шаҳри, «Бўхоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
 Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.  
 ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усуларида босилди. Бичим А-2. Ҳажми 2 босма табок.  
 Сотувда эркин нарҳда.  
 «Шахри» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
 Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.